

**“Gidromaxsusqurilish” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик  
умумий йиғилиши  
Баённомасидан кўчирма**

25.06.2021 йил

Тошкент шаҳри

Йиғилиш Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 22-уй, “Gidromaxsusqurilish” АЖнинг маъмурий биносида ўтказилди, йиғилиш соат 11:00да бошланди.

**Қатнашдилар:**

**Кузатув кенгаши раиси:** Б.Амирсаидов

**Кузатув кенгаши аъзолари:** Б.О.Олланазаров  
Г.Б.Ибрагимова

**Таклиф этилганлар:** О.Хамраев-Тафтиш комиссияси аъзоси  
Р.Остонов-Иқтисод ва молия  
бўйича директор  
Т.Павлухина-бош ҳисобчи  
Т.Расулов- қимматли қоғозлар бўйича  
мутахассис -йиғилиш котиби

Йиғилиш раиси этиб, “Gidromaxsusqurilish” АЖ Кузатув кенгаши раиси Б. Амирсаидов ва котиби этиб Т. Расулов сайланди.

Йиғилиш санок комиссиясининг маълумотига кўра жамият акциядорларининг 21.06.2021 йил ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан “Gidromaxsusqurilish” АЖ томонидан жами 1 354 800 дона, шундан 1 320 800 дона оддий ва 34 000 имтиёзли акциялар чиқарилган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар сони 180та ва уларга тегишли бўлган овоз берувчи акцияларнинг сони 1 320 800 донани ташкил этди.

Йиғилишда 1 288 300 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 4та акциядорлар, қатнашди.

Йиғилиш кворуми 97,54 фоизни ташкил этди. Шу муносабат билан йиғилиш қарор қабул қилишга ваколатли.

**ЙИҒИЛИШ КҮН ТАРТИБИ:**

1. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини ва санок комиссиясини шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. Жамият ижроия органининг “Gidromaxsusqurilish” АЖнинг 2020 йил яқунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича ҳисоботи.

3. “Gidromaxsusqurilish” АЖнинг 2020 йил бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

4. “Gidromaxsusqurilish” АЖда 2020 йил бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш яқунлари тўғрисида маълумотни кўриб чиқиш.

5. Жамият кузатув кенгашининг 2020 йилда “Gidromaxsusqurilish” АЖ фаолиятини бошқаруви бўйича ҳисоботини эшитиш.

6. “Gidromaxsusqurilish” АЖнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг 2020 йил яқунлари бўйича ташқи аудиторлик текшируви хулосасини эшитиш.

7. “Gidromaxsusqurilish” АЖнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг 2020 йил яқунлари бўйича тафтиш комиссияси тешируви хулосасини эшитиш.

8. Жамиятнинг 2020 йил яқунлари бўйича соф фойда тақсимоти, дивидендларни тўлаш шакли, миқдори ва тартибини белгилаш.

9. Жамият ижроия органини кейинги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишигача бир йил муддатга сайлаш (кайта сайлаш).

10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

12. Аффилиланган шахслар билан келгусида Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш.

13. Жамият томонидан 2020 йилда тузилган йирик битимларни маъқуллаш.

14. Жамиятнинг 2021 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.

Йиғилиш кун тартибини тасдиқлаш овозга қўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилиб, йиғилиш қатнашчиларидан қўшимча ва таклифлар тушмаганлиги сабабли, акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши

## **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

### **Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:**

Санок комиссияси қуйидаги тартибда сайлансин: 1. С.Соттиқулов, 2. Цыбаева ва 3. Н.Шерматова.

### **Йиғилишни ўтказиш регламенти қуйидагича:**

Кун тартибидаги масаллар бўйича маърузаларни (маълумотларни) тинглаш-10 минутгача;

Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси – 5 минутгача;

Кун тартибидаги масалалар бўйича савол ва жавоблар -5 минутгача;

Овоз бериш ҳар бир масала якуни бўйича бюллетенларни тўлдириш орқали амалга оширилади.

### **Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:**

1. “Gidromaxsusqurilish” АЖнинг 2020 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи, шу жумладан Жамиятнинг 2020 йилги бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан жамият ижроия органининг ҳисоботини тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органининг 2020 йил яқунлари бўйича фаолияти “**етарли даражада**” деб топилсин.

### **Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:**

Жамиятнинг 2020 йилдаги бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар, йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

### **Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:**

“Gidromaxsusqurilish” АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш яқунлари тўғрисидаги инвестиция маслаҳатчиси ҳисоботи тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:**

Кузатув кенгашининг 2020 йилда “Gidromaxsusqurilish” АЖ фаолиятини бошқаруви бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича:**

Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини миллий аудит стандартларига ҳамда халқаро аудит стандартларига асосан “MASLAXATAUDIT-M” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган аудиторлик текшируви натижаси ва хулосаси тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича:**

Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг 2020 йил яқунлари бўйича Тафтиш комиссияси тешируви хулосаси тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича:**

Жамият томонидан 2020 йил яқунлари бўйича олинган 1 897 342 000 сўм соф фойда қуйидагича тақсимлансин:

1. Жами дивидендларга тўлов-30,85 % ёки 585 319 700 сўм, шундан:
  - оддий акцияларга-575 908 500 сўм, хар дона акцияга 436,03 сўмдан;
  - имтиёзли акцияларга-9 411 200 сўм ёки хар бир дона акцияга 276,8 сўм (Жамият уставига асосан имтиёзли акцияларнинг номинал қийматининг 20 % миқдориди);
- 2.Жамият Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларини ҳамда Жамият меҳнат жамоасини рағбатлантиришга – 9,8% ёки 186 116 540 сўм;
3. Хомийлик учун соф фойда ҳисобидан ажратилган 225 000 000 сўм (11,86%) ҳисобга олинсин;
- 4.Жамиятни ривожлантиришга (махсус техника ва ускуналарни сотиб олишга) - 47,48 % ёки 900 905 760 сўм йўнатирилсин.

Жамият ижроия органи томонидан жамиятни ривожлантиришга (махсус техника ва ускуналарни сотиб олишга) йўналтирилган маблағларни ишлатилиши бўйича Кузатув кенгашига ҳисобот киритилсин.

Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

Тўлов муддати ва воситалари: Дивидендлар қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кун ичида тўлаш. Дивидендлар қонунчиликда белгиланган тартибда пул воситалари билан тўлаб берилсин.

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича:**

1. Жамият Бош директори Қ.Фатиллаев билан меҳнат шартномасини навбатдаги акциядорлар умумий йиғилишига қадар (бир йилга) узайтирилсин.
- 2.Кузатув кенгаши раисига Қ.Фатиллаев билан меҳнат шартномани узайтириш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш топширилсин.
- 3.Жамият Бош директорига Жамият техник директори Р.Шарипов ва иқтисод ва молия бўйича директор Р.Остонов билан тузилган шартномаси муддати узайтириш топширилсин.

**Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича:**

**Кузатув кенгашига таркибига қуйидагилар сайлансин:**

	<b>Номзоднинг Ф.И.Ш.</b>	<b>Овозлар сони</b>
1	Амирсаидов Бекзод Тимурович	1 288 300
2	Исмаатов Суръатилла Хамидуллаевич	1 288 300
3	Джураев Баходир Эрматович	1 288 300
4	Ибрагимова Гузал Бахтияровна	1 288 300
5	Рахматуллаев Нуриддин Зиявуддинович	1 288 300

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича:**

**Тафтиш комиссиясига қуйидагилар сайлансин:**

	<b>Номзоднинг Ф.И.Ш.</b>	<b>Иш жойи ва эгаллаб турган лавозими</b>
1	Давидов Дилшод Рахимович	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқарма бошлиғи
2	Хамраев Отабек Толибович	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ бўлим бошлиғи
3	Жумамаатов Рустам Рахматжонович	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ бўлим бошлиғи

**Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича:**

Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида аффилиланган шахсларлар (рўйхатга асосан) билан акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар маъқуллансин.

**Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича:**

Жамият томонидан 2020 йилда тузилган йирик битимлар маъқуллансин.

**Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича:**

Жамият ижроия органи томонидан “Gidromaxsusqurilish” АЖнинг 2021 йилга ишлаб чиқилган бизнес - режаси тасдиқлансин.

Йиғилиш баёни икки нусхада тузилди.

**Йиғилиш котиби:**



**Т. Расулов**

*Баённома 2021 йил 3 июлда имзоланди.*